

Jakhongir A. TOKHIROV,

*Dean of the Faculty of Islamic Studies of the
International Islamic Academy of Uzbekistan
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.*

E-mail: j.tokhirov@iiau.uz

МОВАРОУННАХРЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ КАЛОМ ИЛМИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

ВКЛАД УЧЕНЫХ МАВЕРАННАХРА ПЕРИОДА ТЕМУРИДОВ В РАЗВИТИЕ НАУКИ КАЛАМ

THE CONTRIBUTION OF THE SCHOLARS OF MAWARANNAHR TO THE DEVELOPMENT OF KALAM IN THE TEMURID PERIOD

КИРИШ

Тарихда олимлар томонидан ёзиб қолдирилган манбалар бугунга қадар етиб келган ва уларни ўрганиш мутахассисларнинг бурчидир. Улар орасида калом илмига доир асарлар Марказий Осиё худудида ислом илмлари ривожига муҳим рол ўйнаган шахслар, хусусан, Али Қушчи ҳаёти ва фаолияти бўйича қимматли маълумотларни ўз ичига олган. Калом илмига доир манбалар бир қарашда фақатгина диний характерга эга бўлиб кўринса-да, уларни тарихий-ғоявий ва замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқот услублари орқали ўрганиш – илмий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан долзарб ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундай асарлар жаҳон илмий жамоатчилигининг ислом дини билан боғлиқ интеллектуал меросга бўлган қизиқишини ҳам тўла қониқтириши мумкин. Уларни ўрганмай туриб, диндан радикал мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Зеро, биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаимиз. Ислום дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Бунда айнан Али Қушчининг ҳаёти ва илмий меросини тадқиқ этиш муҳим эътиборга молик. Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг асосий вазифаларидан бири “жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Али Қушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини чуқур очиб бериш” (ПҚ-3080-сон қарори), деб белгиланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Калом илмининг темурийлар давридаги ривожини тарихини илмийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, ислом дини тамойилларининг асл мақсади инсониятга хизмат қилиш эканлигини замонавий ёндашувлар орқали асослаб бериш исломшуносликнинг муҳим вазифасига айлан

Бугунги кунда дунё мусулмонларининг аксари аҳли сунна вал жамоа йўналишининг мотуридия ёки ашъария ақидавий мактабига эргашадилар. Бу таълимот ривожига темурийлар даврида Мовароуннаҳрда яшаган олим Али Қушчининг (805/1403–878/1474) ҳам ҳиссаси салмоқли бўлган. Унинг калом илмига оид “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари қарийб беш аср мобайнида Усмонли империяси, Мовароуннаҳр ва унга қўшни ўлкалардаги мадрасаларда (Эронда ҳозирга қадар) дарслик сифатида ўқитилган. Шунингдек, унга ҳар бир даврнинг машҳур олимлари томонидан шарҳ ва ҳошиялар ёзиб келинган. Бирок Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда алломанинг калом илмига қўшган ҳиссаси ҳалигача яхлит ўрганилмаган. Алломанинг илмий меросини тадқиқ қилиш орқали илоҳиётга оид матнларни тушуниш ва далиллашнинг “тафвиз ва таъвил” усуллари каби глобал даражадаги долзарб масалалар аслиятига ва бугунги кундаги адашган тоифаларнинг талқинига илмий асосда аниқлик киритилади. Мавжуд турли диний-сиёсий оқимлар ва бузғунчи мафкураларга қарши курашда ғоявий қурол вазифасини ўтайди.

Али Қушчи (805/1403–879/1474) ўзининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асарини ёзишида, албатта, у яшаб илмий фаолият олиб борган темурийлар даврининг таъсири ва аҳамияти каттадир. Ушбу давр ва худуддаги диний-маърифий муҳитнинг ҳам муҳим ўрни бор. Буни ёритиш учун эса, айниқса, мазкур даврдаги ақида ва калом илмининг ҳолати, ривожини, бу борада ёзилган асарлар, уларни ўрганиш ва уларнинг диний таълим тизимида

Аннотация: Темурийлар давридаги ақида ва калом илмлари ривожининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу пайтга келиб, янги мавзуларда алоҳида мустақил фундаментал асарлар ёзилишидан кўра, асосан, ақида ва калом илмига оид аввалги классик асарларга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар аксарни ташкил этади.

Аҳли суннанинг матуридия ёки ашъария йўналишида ёзилган асарларга ҳам аниқлик киритишида матуридия ва ашъария ўртасида мавжуд айрим ўзига хосликлар асосий мезон бўлиши мумкин. Мазкур фарқлар айрим манбаларда турлича, учтадан олтимиштагача баён қилинган бўлса-да, улар асосан, зоҳирий-иборавий хусусиятга эга эканлиги кўпчилик соҳа тадқиқотчиларига маълум. Фарқларнинг изоҳига бағишланган 10 дан ортиқ алоҳида асарлар ҳам таълиф этилган.

Мақолада темурийлар даврида калом илмининг ривожини нисбатан барқарор ва турғун кечиби, кескин ўзгаришлар бўлмагани, мовароуннаҳрлик олимларнинг 23 нафари калом илми билан шуғулланиб, каломга оид асар ёзгани, улар асосан, шарҳлардан иборат бўлиб, бу эса, ушбу даврга хос хусусият экани таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: темурийлар даври, калом илми, Али Қушчи, шарҳ, хошия.

Аннотация: Отличительной чертой развития науки “калам” в эпоху тимуридов является тот факт, что к этому времени количество комментариев и полей на предыдущих классических работах больше чем отдельные независимые фундаментальные работы по новым темам.

Можно даже отметить, что этот труд был написан в направлении Ахль ас-Сунна Матуридия или Ашария. Это можно отличить, главным образом, по некоторым особенностям, которые существуют между учениями матуридия и ашария. Хотя в некоторых источниках эти различия описаны по-разному, от трех до шестидесяти, большинству полевых исследователей известно, что они в основном носят образный характер. Также было написано более 10 отдельных работ, объясняющих их различия.

В статье отмечается, что развитие богословия в период Тимуридов было относительно стабильным и без резких изменений, и что 23 ученых Мавераннахра занимались теологией и писали работы по теологии, которые состояли в основном из комментариев, что было характерной чертой этого периода.

Ключевые слова: эпоха тимуридов, науки калам, Али Кушчи, комментарий, поля.

Abstract: A distinctive feature of the development of Kalam science during the Timurid period is that, by this time, the number of sharhs and hashiyas on previous classical works was more than individual independent fundamental works on new topics.

It can be specified that this work was written in the direction of Ahl as-Sunna, that is Maturidiyya or Ash'ariyya. It can be distinguished mainly by some of the characteristics that exist between the Maturidiyya and the Ash'ariyya. Although some sources describe these differences in different ways, from three to sixty, most researchers know that they are word-related differences. More than ten separate papers were also written explaining the differences.

The article notes that the development of Kalam during the Timurid period was relatively stable and without abrupt changes and that 23 scholars of Mawarannahr were engaged in Kalam. They wrote works on Kalam, which consisted mainly of commentaries. It was a characteristic feature of this period.

Keywords: Timurids period, the science of kalam, Ali Kushchi, commentary, marginal notes.

ўқитилиши каби масалаларни манбалар асосида таҳлил қилишга ҳамда илмий тадқиқотга жалб қилишга зарурий эҳтиёж туғилади.

Таъкидлаш керакки, мазкур “давр фарзанди” бўлмиш Али Қушчининг ҳаётини ва ушбу муҳит ҳосиласи бўлган унинг илмий фаолиятини ёритишда у яшаган даврдаги илмий ва сиёсий муҳит борасида сўз юритиш муҳимдир. Бунда қуйидаги жиҳатлар ойдинлашади: 1) Али Қушчи ҳамда ўз замонасидаги ҳукмдорлар ўртасидаги алоқалар; 2) ҳукмдорларнинг олимларга, хусусан, Али Қушчига бўлган муносабати; 3) сиёсатнинг илм ва олимларга бўлган таъсири. Ушбу жиҳатлар хусусида сўз юритиш асносида ҳукмдорларнинг ижобий сиёсати билан олимлар фикрий-ғоявий

акс-садосининг кўлами маълум бўлади. Олимлар қандай ҳукмдорлар ҳукми остида яшаб, ижод қилиб, асар ёза оладилар? Икки хил вазият мисоли: 1) илм-фанга ва тадқиқотчи олимларга шижоат ва рағбат, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатган Мирзо Улуғбек ва Султон Муҳаммад Фотиҳ иккинчи каби ҳукмдорлар мисоли; 2) илм ва олимларга қаршилиқ кўрсатган Абдулатиф каби ҳукмдорлар мисоли.

Мазкур икки мисол Али Қушчи ҳаёти билан боғлиқ эди. Унга катта таъсир кўрсатган, ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу даврлар хусусида сўз борар экан, Али Қушчининг илмий салоҳиятига темурийлар ва усмонийлар даврлари маданияти қандай таъсир кўрсатганлиги намоян бўлади:

- 1) Али Кушчи яшаган давр ва икки давлат;
- 2) Али Кушчининг илмий салоҳиятига давр маданиятининг кўрсатган таъсири.

Али Кушчи яшаган даврни шартли равишда уч босқичга таснифлаш мумкин: 1) темурий ҳукмдорлар соясида Самарқанддаги ўсмирлик ва ёшлик даврида оиласи ва қариндошлари орасида, устози Мирзо Улуғбек қарамоғида, унинг вафотида (ваф. 853/1449) қадар бўлган пайтлар; 2) Мовароуннаҳрда темурийзодалар ўртасидаги сиёсий беқарорлик даври; 3) усмонийлар давлати соясида Султон Муҳаммад Ғотих иккинчи даври (А. Афибий, 2001:23).

Мовароуннаҳрда XV асрдаги калом илмининг ривожланишида X асрдаги буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридийнинг (256/870–332/944), ва унинг издошларининг ўрни ниҳоятда катта бўлган. У яшаган даврга келиб (IX асрнинг охири – X асрнинг биринчи ярми) ислом динида пайдо бўла бошлаган турли гуруҳ ва фирқаларнинг сони кўпайиб кетган эди. Бу ҳолат имон-этикод масалаларида кўплаб ихтилофларни келтириб чиқарди. Шундай гуруҳлардан бири мўътазилийлар бўлиб, улар ақидавий масалаларни шарҳлашда нақлий (Қуръон ва ҳадис) далиллардан ақлий (мантикий-фалсафий) далилларни устун кўяр эдилар. Натижада, салаф ҳамда аҳли ҳадис уламолари орасида калом илмига нисбатан танқидий фикрлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай мураккаб шароитда улуғ аллома-мутакаллим Абу Мансур Мотуридий вужудга келган муаммоли вазиятни илмий асосда ислоҳ этишда катта ҳисса кўшди. Немис олими профессор Ульрих Рудольф таъкидлаганидек, Имом Мотуридий “калом илмини шариат билан синтез қилишга муваффақ бўлди”. Шу билан бир қаторда олим раъй масаласига алоҳида эътибор қаратиб, уни кўпроқ фуру ал-фикҳ соҳасида ишлатиш ўринли, деб топган. Асосийси, калом хос илмлардан бўлгани сабабли ва фитналарнинг олдини олиш мақсадида уламолар доирасидан авом халқ орасига чиқармасликка чақирилгани ҳам эътиборга моликдир (У. Рудольф, 2002).

Шу тариқа Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг (80/699–150/767) таълимотига суянган ҳолда ўзига хос калом мактаби шаклланиб борди. Лекин Мотуридий вафотидан кейин Мовароуннаҳрда мазкур мактабнинг мавқеи маълум даражада сусая бошлади. Шунинг учун Мотуридийдан кейин Мовароуннаҳрда унинг таълимотини тўғри талқин қилиб кенг тарғиб қиладиган ҳамда асоссиз фикр ва танқидлардан уни ҳимоя қила оладиган олимларга зарурат сезила бошлаган эди. Мана

шундай шароитда унинг таълимоти билан батафсил танишиб, бу таълимотнинг мазмун-моҳиятини теран англаган издоши, насафийлар сулоласидан етишиб чиққан йирик мутакаллим Абу Муин Насафий (437/1046–508/1114) Имом Мотуридий таълимотини давом эттириб, уни янада ривожлантирди.

НАТИЖА

Абу Ҳанифанинг ақида ва каломга оид фикрлари “Ал-Фикҳ ал-акбар” асарида ихчам матн шаклида баён қилинган бўлиб, муайян усулга (методологияга) тамал тоши қўйилган. Кейинчалик, ушбу мазҳаб издошларидан Абу Мансур Мотуридий унинг қарашларини янада ривожлантириб, ўз даври тақозосига кўра, ўзига хос услубда ёндашиб, нақлий ва ақлий-мантикий далиллаш усулларига асос солди. У ўзининг “Китоб ал-Тавҳид” (Мотуридий, 2001) асарини шундай услубда мураккаб тилда ёзган. Абу Муин (Маин, Муайян) Насафий эса ўзининг “Табсират ал-адилла” асарида уни каломий усулда (“Баҳр ал-калом”да эса ақидавий усулда) кенг шарҳлаган. Кейинчалик, Абу Ҳафс Насафий (462/1070–537/1143) ҳам ўзининг “Ал-Ақоид ан-Насафия” асарида Абу Ҳанифа ва Абу Мансур Мотуридийларнинг мазкур асарларидан таъсирланиб, фойдаланиб, асосан ақидавий, қисман каломий усулда баён қилган. Айнан унинг ушбу асари “Табсира”дан ҳам кўра машҳур бўлиб кетади. Бунинг асосий сабаби шуки, у давлат миқёсида қўллаб-қувватланди, кўплаб мадрасаларда таълим тизимида киритилди. Ҳатто ҳамма жойга мажбурий татбиқ қилиш ҳақида ташаббус билдирилганида муаллифнинг ўзи бунга розилик бермаган.

Дарҳақиқат, ўз даврининг кўплаб забардаст алломалари нафақат катта илмий салоҳият, балки ҳукмрон давлат ва жамиятнинг қўллови сабабли ҳам ҳурмат ва эътибор топган, асарлари кенг ёйилган, ўрганилган, шарҳланган, методологияси шогирд ва издошлари орқали бардавом бўлган.

Ўрта асрлар, хусусан, темурийлар давридаги ақида ва калом илмлари ривожининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу пайтга келиб, янги мавзуларда алоҳида мустақил фундаментал асарлар ёзилишидан кўра, асосан, ақида ва калом илмига оид аввалги классик асарларга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар кўпчиликни ташкил этади. Номида бирор асарнинг шарҳи эканлиги ёзилмаган ва очик кўринмаса-да, мазмуни билан яқиндан танишган мутахассислар томонидан унинг айнан қайси асарга

шарҳ ёки хошия эканлиги аниқланиши мумкин. Ҳатто ушбу асар аҳли суннанинг мотуридия ёки ашъария йўналишида ёзилганлигига ҳам аниқлик киритиш мумкин. Бунда асосан, мотуридия ва ашъария ўртасида мавжуд айрим ўзига хосликлар орқали ажратиш олиш мумкин. Мазкур фарқлар айрим манбаларда турлича, учтадан олтмиштагача (3,13,20,40) баён қилинган бўлса-да, улар асосан, зоҳирий-иборавий хусусиятга эга эканлиги кўпчилик соҳа тадқиқотчиларига маълум. Бу борада фарқларнинг изоҳига бағишланган 10 дан ортик алоҳида асарлар ҳам таълиф этилган. Ибн Ҳумом (790/1388–861/1457) (Сивосий, 1929), Абулхайр Тошкўпризода (901/1495–968/1561), Тожуддин Субкий (727/1327–771/1370) кабилар шулар жумласидандир.

МУҲОКАМА

Бу даврда аввалги қисқа матнлар эндиликда кенгроқ шарҳланган ҳамда бир асарга ёзилган турли шарҳлардан иқтибослар олиниб, қиёсланиб хулосавий баён қилинган. Али Кушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари ҳам шундай усул сирасига киради. Кейинчалик, асарлар катта ҳажмли бўлиб кетганлиги сабабли соддалаштирилиб, натижада “талхис” (мухтасар) жанридаги қисқартама кўринишидаги асарлар ҳам ёзилган.

Темурийлар даврида калом илмининг ривожини нисбатан барқарор ва турғун кечиш, кескин ўзгаришлар бўлмаган. Мовароуннаҳрлик олимларнинг 23 нафари калом илми билан шуғулланиб, каломга оид асар ёзган. Улар асосан, шарҳлардан иборат бўлиб, бу эса, ушбу даврга хос хусусият эди. Абу Ҳанифанинг “Ал-Фикҳ ал-акбар” асарига ҳам темурийлар даврида қуйидаги шарҳ ва хошиялар ёзилган (Ҳ.Аминов, 2021): Акмалуддин Бобартий (714/1314–786/1384, “ал-Иршод” номли ва “Ал-Васият”га (Бобартий, 2009), “Ал-Ақоид ал-Таҳовия”га, “Тажрид”га ҳам) (Бобиртий, 1989), Алоуддин Бухорий (779/1377–841/1438, ўз шарҳини темурий султонларидан Мирзо Улуғбекка бағишлаган), Абун-Нажо ибн Халаф ибн Муҳаммад Шофеъий (849/1445–895/1490), Муҳаммад ибн Баҳоуддин Байрамий Румий (ваф. 956/1549, “Ал-Қавл ал-фасл” номли), Илёс ибн Иброҳим Сийнобий (ваф. 891/1486), Абулбақо Муҳаммад ибн Али Аҳмадий (ваф. 918/1512, “Иқд ал-жавҳар назм наср Ал-Фикҳ ал-акбар” номли) (Чалабий, 1941).

Абу Муин Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асарини ривоят қилган қуйидаги XIV–XV аср

олимлари темурийлар даврида яшаб калом илми билан шуғулланганлар: Камолиддин Муҳаммад ибн Абдилвоҳид ибн Абдилҳамид (790/1388–861/1457), Сирожуддин Умар ибн Али (“Қори ҳидоя” лақаби билан машҳур, ваф. 827/1423), Шайх Алоуддин Сайрафий (ваф. 790/1388), Саййид Жалолуддин “Шорих ҳидоя” (ваф. 776/1365), Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий (ваф. 730/1329) (С. Окилов, Ж. Тоҳиров, Ў. Палванов, 2020). Асосан, машҳур ҳанафий фақиҳлари даражасига етишган мазкур таниқли олимларнинг “Табсира”га мурожаат қилиб, уни ривоят қилганларидан шундай хулосага келиш мумкинки, XIII асрда фикҳ илми билан бир қаторда маълум даражада калом илми, хусусан мотуридия таълимоти ҳам алоҳида эътиборда бўлган. Лекин “Табсира”ни ривоят қилган юқоридаги ҳанафий уламоларининг деярли барчаси ўзларининг илмий фаолиятларида асосан калом илми билан эмас, балки фикҳ илми билан шуғулланганлар. Бу даврларда энди мадрасаларда ақоид фанидан асосан матнлар ва шарҳлар ўқитила бошланган.

Абу Ҳафс Насафийнинг (Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Лукмон Ҳанафий Насафий Самарқандий 462/1070–537/1143) “Ал-Ақоид ал-Насафия” асарига темурийлар даврида ҳам кўплаб шарҳ ва хошиялар ёзилган. Жумладан, Исфохоний (Абус-Санъо Маҳмуд ибн Аҳмад ваф. 749/1392) “Шарҳ ақоид Насафий”ни; Қувнавий (Ибн Сирож Жамолиддин Маҳмуд ибн Аҳмад ваф. 770/1369) “Ал-Қалоид шарҳу-л-ақоид”ни, Маккий (Муҳаммад Тоҳир Сунбул) “Шарҳ ақоид Насафий”ни, Саъдуддин Тафтазоний (ваф. 791/1389) “Шарҳу-л-ақоид Насафия”ни, Ҳумайдий (Шамсуддин Аҳмад Боязид Сарвахоний ваф. 854/1450) “Шарҳу-л-ақоид Насафия”ни, Макдисий (Саъид ибн Муҳаммад ибн Абдуллох Диёрий ваф. 867/1463) “Шарҳу-л-ақоид Насафия”ни, Ҳаравий (Аҳмад ибн Усмон Хайрхабоний ваф. 900/1495) “Ҳаллу-л-маъоқид фи шарҳи-л-ақоид”ни, Жалолиддин Даввоний (Муҳаммад ибн Аъсад ваф. 918/1513) Шарҳу-л-ақоид Насафия”ни ёзган.

Абул Баракот Абдуллох ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (629/1232–710/1310)нинг ақидага оид “Умдат ал-ақоид” (“Ақидалар асоси”) ёки “ал-Умда фи усул ал-дин” (“Дин усулларига таянч”) асарига ҳам темурийлар даврида ёзилган шарҳ ва хошиялар қуйидагилар: Аҳмад Қувнавий (ваф. 770/1369) “Зубда”, Шамсиддин Қувнавий (ваф. 788/1386), Аваз Донишманд Акшиҳарий (XIV) “Инқоз”, Исмоил Маккий (ваф. 846/1442), Шамсиддин Никсарий (ваф. 901/1495) ларнинг

шарҳлари шулар жумласидан. “Умдат ал-Ақоид” Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” рисоласи билан матн ва услуб жиҳатидан деярли бир хил. Балки шунинг учундирки, Лондонда 1843 йили Уильям Кувертон томонидан “Умдат ақидат Аҳл ас-сунна вал-жамоа” асари “Pillar of the Creed of the Sunnites” номи остида бирга нашр этилган.

Шунингдек, темурийлар даврида мовароуннаҳрлик калом олимларининг асарлари усмонли мадрасаларида ҳам таълим тизимида киритилган. Ақида ва калом уч босқичда куйидаги асарлар асосида ўқитилган (А. Муминов, 2018) 1) Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “ал-Ақоид” асари ва унга Тафтазонийнинг шарҳи ҳамда унга Шамсиддин Хаёлийнинг (1481) хошияси; 2) Насриддин Тусийнинг (1273) “Тажрид ал-калом” асарига сунний олимлардан Шариф Журжоний (1413) ва Шамсуддин Исфаҳоний (1348) ёзган шарҳлар, Ийжийнинг (1355) “ал-Мавоқиф” асарига Журжоний ва Жалолиддин Даввоний (1502) шарҳлари; 3) Қози Байзовийнинг (1286) “Таволей ал-анвор мин матолей ал-анзор” асарига Исфаҳоний шарҳи ва Журжоний хошияси.

Таъкидлаш жоизки, калом илмининг ривожини ўрганилаётган ушбу темурийлар даври, мотуридия калом мактаби тараққиётининг тўртинчи даврига тўғри келади. Таниқли француз шарқшуноси, профессор К. Джиллиот мотуридия таълимотининг учта ривожланиш босқичини ажратиб, унинг охириги – учинчи босқичи V/XI асрга тўғри келишини айтган. Ў. Полванов эса, олимларнинг ҳиссаси ва тарихий воқеаларни омил сифатида асос қилиб мотуридия таълимотини куйидаги яхлитланган тўрт даврга таснифлаган:

1. Асос солиниш босқичи (238/853–333/944) Абу Мансур Мотуридий яшаган давр.

2. Шаклланиш босқичи (333/945–390/1000) Абу Мансур Мотуридий вафотидан шогирди Абдулкарим Паздавий (390/1000) вафотигача бўлган давр.

3. Ривожланиш босқичи (391/1001–750/1349) Садрушшариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд (1346) вафотигача бўлган давр.

Самарқанддаги мактаб таъсирида Бухоро ва Насаф мотуридия таълимоти мактаблари шаклланиш даври (М. Шайбоний, 2012). Алоуддин Усмандий (488/1095–552/1157) (А. Кураший, 2012), Сирожуддин Ўший (ваф. 569/1174). Абул Юср Паздавий (421/1030–493/1100) (А. Кураший, 2012), Абдулкарим Паздавий (ваф. 390/1000) (А. Кураший, 2012), Абу Ҳафс Умар Насафий (462/1070–537/1143) (М. Заҳабий, 2011), Нуриддин

Собуний (ваф. 580/1184) (ибн Кутлубуғо, 2015), Саффор Бухорий (460/1068–534/1139) (Бағдодий, 2012). 4. Кенг ёйилиш босқичи (750/1350 йилдан кейин) Тафтазоний (1322–1392) ақида илмидаги ижоди бошланган (1350) давр. “Мотуридийлик калом мактаб”лари ва мадрасалар маҳаллий (темурийлар 1370–1506) ва худудий миқёс (усмонийлар 1299–1924, бобурийлар 1526–1858) даражасига чиққан давр. Улар ҳанафий-мотуридий мазҳабида бўлиб, тарғиб ҳам қилганлар (Ҳ. Ӯзтун, 1986).

Дастлаб, алоҳида ҳукмдорлар шу мазҳабга эргашган бўлсалар, мазкур иккинчи кўтарилишда бутун бошли ҳукмдор сулола вакиллари бу мазҳабда бўлганлар. Албатта, бу таълимот тарихидаги энг катта тарихий ҳодиса ҳисобланади. Хусусан, темурийлар сулоласининг асосчиси Амир Темур ҳам шу мазҳабда бўлган. У мотуридия таълимотининг маркази – Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳукмронлигига барҳам бериб, ўз давлатига асос солиши ушбу худудда мотуридия таълимоти мактабларининг қайта ташкил топишида муҳим рол ўйнаган. Шунингдек, Мовароуннаҳрда бирин-кетин ҳукмронлик қилган шайбонийлар, аштархонийлар, Манғит ва Қўнғирот сулолаларининг бошқарувлари мобайнида ҳам ҳанафийлик мазҳаби давлат даражасида бўлган.

Усмонли империяси тарихида таъсис этилган “Шайхулислом” лавозимига дастлаб Шамсуддин Фанорий (Румий Ҳанафий 751/1350–834/1431) (Зириклий, 2012) тайинлаган. Зотан, у ҳанафий-мотуридий олими бўлиб, айни пайтда, Саъдуддин Тафтазоний китобларидан нусхалар кўчириш билан ҳам шуғулланган эди. К.Джиллиот ҳам мотуридия таълимотининг кенг ёйилишида алломанинг “Шарҳ ал-Ақоид” асари муҳим ўрин тутганлигини таъкидлаб ўтган. Ҳатто, машҳур немис шарқшуноси профессор В. Маделунг “мотуридия” номини Саъдуддин Тафтазоний танитганлигини айтган.

Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари, хусусан, Имом Абу Юсуф (113/731–182/798)нинг Ислом тарихидаги дастлабки “Қозийул-қуззот” бўлиб, ҳанафий мазҳабининг кенг ёйилишига кўрсатган таъсирига қиёслаш мумкин.

Хаёлий (Аҳмад ибн Мусо, 829/1426–860/1456) Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Ақоид” асарига ёзган хошиясида шундай таъкидлаган: “Хуросон, Ироқ, Шом ва бошқа кўплаб шаҳарларда ашъарийлар “Аҳл ас-сунна вал-жамоа” номи билан машҳурдир. Мовароуннаҳр диёрида эса, мотуридийлар “Аҳл ас-сунна вал-жамоа” номи

билан машхур бўлиб, улар Абу Мансур Мотуридийга эргашганлардир. “Ма турид” бу – Самарқанддаги маҳалла номидир. Бугунги кунда (IX/XV аср) юқоридаги ҳудудларга ҳам мотурийлик аллақачон кириб борган”. Лекин 1342/1924 йили империя таназзули билан мавжуд ханафий-мотуридийлик мактаби ҳам барҳам топган ва уламолар тазйик остига олинган.

Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳ ал-Мақосид” номли китобида мотуридийлик ва ашъарийлик таълимотларини таҳлилий ўрганиб, улар ўртасида баъзи бир масалалар борасида ихтилофлар бўлишига қарамасдан ҳар иккаласи ҳам Аҳл ас-сунна ва-л-жамоадалигини алоҳида таъкидлаган (Тафтазоний, 1998).

Ҳисомуддин Сиғноқий (Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжож ибн Али Бухорий Ҳанафий ваф. 714/1314–1315) Абу Муин Насафийнинг “ат-Тамҳид фи қавоид ат-тавҳид” асари ровийси ва унга “ат-Тасдид” номли шарҳ ёзган (Х. Зириклий, 2012), Абу Мансур Мотуридийнинг “Китаб ат-Тавҳид” асарида унумли фойдаланган.

Садршариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд (1346) “Таъдий ал-улум фи ал-калом” таркибий жиҳатдан уч қисмдан иборат: мантиқ, ақоид ва турли илм соҳаларига бағишланган. Насруддин Тусийнинг (ваф. 1274) “Тажрид ал-ақоид”, “Шарҳ ал-Ишорот”, “Ас-Саҳойиф”, “Аш-Шифо” сингари асарларидан иқтибослар келтирган. Асар мотуридия таълимоти бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий (749/1348–823/1420) форс тилида “Эътиқодот” асарини ёзган.

Алоуддин Бухорий (779/1377–841/1438) Тафтазонийнинг шогирдларидан, нақшбандия тариқатининг йирик вакилларида, фикҳ, ақоид ва бошқа шу каби илмларнинг етук олими бўлган (А. Навотий). Унинг “Рисола фи ал-эътиқод”, “Фодиҳа ал-мулҳидин ва носиха ал-муваҳҳидин” (Ибн Арабий (560/1165–637/1240)нинг “Фусус ал-ҳикам” номли рисоласига раддия), “Мулжима ал-муҷассима” каби ақоид илмига оид асарлари мавжуд ҳамда улар мотуридия таълимоти бўйича муҳим манбалардан ҳисобланади. Жумладан, у “Рисола фи ал-эътиқод” номли асарида жами олтмиш учта ақидавий масалаларни ёритган. У масалалар “муқаллаф бандага илк вожиб амал” билан бошланиб, рофизийларнинг Али розияллоҳу анҳу ҳамда унинг авлодлари ер юзига қайтиши ҳақидаги қарашига раддия билан қўшилган (М. Ҳанафий, 2012). “Мулжима ал-

муҷассима” асари муқаддимасида 832/1428–1429 йили Бағдодга борганида, у ерда Ибн Таймиянинг нотўғри қарашлари тарқалиб, унинг ўзи ҳам, унга эргашганлар ҳам тўғри йўлдан адашганини хикоя қилган. Ибн Таймияга 4 та раддия берган: “Вожиб ал-вуҷуд”нинг жисмлик хусусиятлардан поклиги, дўзахнинг фоний эмаслиги, пайғамбарлар ва азиз авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш мақсадида сафар қилиш жоизлиги ва уч талоқнинг тушиши ҳақида.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, темурийлар давридаги калом илми ривожини аввалги даврлар даражасидаги каби бўлмасида, каломга оид дастлаб ёзилган кўплаб асарларга турли шарҳлар ёзилиши, кенг ҳудудларга ёйилиши ва ўқитилиши нуқтаи назардан ўзига хос салмоқли бўлган. Буни эса, шундай изоҳлаш мумкинки, мазкур даврда ақидавий фирқаланиш ва ўзаро тортишув, баҳс-мунозараларнинг авж олиши фаоллигини аввалги даврлардагидек юқори бўлмаган. Бунга аввало, маҳаллий аҳли сунна олимларининг салоҳияти ва айнан уларнинг асарлари кенг ўқитилиши, бошқа фирқаларга илмий асосланган муносиб раддиялар берилган. Шунингдек, ушбу олимлар фаолиятини маҳаллий ҳукмдорлар қўллаб-қувватлаган, фирқаланишларга эса, қаттиққўллик билан барҳам берилган.

Қиёсий мисол учун, айнан ақидавий масалалардаги баҳслар “Хулафо рошидун” ва умавийлардан кўра, аббосийлар даврида авж олди. Уларга илмий жавоблар бериш учун калом илми ривожланди, кўплаб асарлар ёзилди.

XVII–XIX асрдаги иқтисодий-сиёсий таназзул ва XX асрдаги мафкуравий-диний таназзул сабабли ақидавий баҳслар камайгани боис калом илми таназзулга юз тугган.

Бугунги даврда эса, яна ақидавий баҳслар сиёсий даражада авж олган, табиийки, ақида ва калом илмига, ушбу илм билимдонлари ва мутахассисларига катта эҳтиёж сезилмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Афибий А. Али Қушчининг “Унқуд аз-завоҳир фи-с-сарф” асари муқаддимаси. Дор кутуб ал-мисрия. – Қоҳира, 2001.
2. Рудольф У. Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2002.

3. Абу Мансур Мотуридий. Китоб ат-тавҳид. – Истанбул: Дору-л-Иршод, 2001.
4. Камолуддин Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Сивосий Ҳанафий. Ал-Мусаярот. – Қоҳира: ал-Мактаба ал-Маҳмудия ат-тижоя, 1929.
5. Исомуддин Аҳмад Тошкўпризода. Мифтоҳ ас-саода. – Истанбул: Дор ал-Фатх, 2009.
6. Тожуддин Абдулваҳҳоб ибн Али Субкий. Ал-Қасида ан-нуния // Табақот аш-шофия ал-кубро. – Истанбул: Дор ал-Фатх, 2009.
7. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа. Ал-Фикҳ ал-акбар (Тадқиқот, матн, илмий изоҳлар) / Таржимон, нашрга тайёрловчи: Ҳамидуллоҳ Аминов. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021.
8. Акмалуддин Бобартий. Шарҳ ал-Васият. – Истанбул: Дор ал-Фатх, 2009.
9. Акмалуддин Бобиртий. Шарҳ Ақида ахл ас-Суннат вал-жамоат. – Кувайт: Визорат ал-авқоф, 1989.
10. Котиб Чалабий. Кашф аз-зунун. – Истанбул: “Маориф” матбааси, 1941. Ж. 2.
11. Hafidh-Uldin Abulbarakat Abd-Ullah al-Nasafi. Pillar of the Creed of the Sunnites. Editor: William Cureton. – London: The Society for the Publication of Oriental texts, 1843.
12. Baltacı, Cahid. XV–XVI. Yüzyıllarda Osmanlı Medreseleri. I-II. 2. Baskı. – İstanbul: Ulus Matbaası, 2005.
13. Муминов А.К. Научное наследие ханафитских ученых Центральной Азии и Казахстана: Монография. – Астана. 2018.
14. Gilliot C. Theology // History of civilization of Central Asia. – Quetigny: Imprimerie darantiere, 2000. – Vol. IV.
15. У.Полванов. Саъдуддин Тафтазонийнинг теурийлар даври мотуридия таълимоти ривожига қўшган хиссаси. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.— Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020.
16. Валиуддин Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Хадрабий. Муқаддима Ибн Халдун (732/1332–808/1406). – Дамашк: Дор Яъруб, 2004. Ж. 2.
17. Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Шайбоний. Ал-Камил фи ат-тарих. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2012. Ж. 10.
18. Абдулқодир Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музия.- Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2012.
19. Хайруддин Зириклий. Ал-Аълум. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2012.
20. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2012.
21. Муҳаммад Заҳабий. Сияр аълум ан-нубало. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2011.
22. Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо. Тож ат-тарожим. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2015.
23. Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-бахия. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2014.
24. Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадийа ал-орифин. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2013.
25. Öztuna Y. Osmanlı devleti tarihi. – İstanbul: Ötüken Neşriyat, 1986. С. 2.
26. A’goston G., Masters B. Encyclopedia of the Ottoman Empire. – New York: Facts on File, 2008.
27. Madelung W. Al-Taftāzānī // Encyclopaedia of Islam (Second Edition). – Quetigny: Imprimerie darantiere, 2000. – Vol. IV.
28. Абулҳасанот Муҳаммад Адулхай Ҳиндий Лакнавий. Ан-Нофий ал-кабир. – Карачи: Идорат ал-Қуръон ва ал-улум ал-исламия, 1990.
29. Шамсуддин Аҳмад ибн Мусо Хаёлий. Ҳошия ало шарҳ ал-Ақоид ан-насафия /Таҳқиқ муаллифи: Муҳаммад ал-Аъззазий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2017.
30. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Мақосид. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1998. Ж. 5
31. Садрушшариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий Ҳанафий. Шарҳ Таъдил ал-улум. – Лейпциг: Лейпциг университети кутубхонаси фонди. Қўл-ёзма. – № 043.
32. Абдулхусайн Навотий. Рижоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 2016.
33. Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Ҳанафий. Рисола фи ал-эътиқод. – Кувайт: Дор ад-диё ли-н-нашр ва-т-тавзий, 2012.

